


“Яхшидан боғ қолади”



“Яхшидан боғ қолади” деб бежизга айтилмаган. Күчат экиш, боғ яратиш халқимизга хос езгу қадриятлардан саналади. Қумқұрғон тумани Ариқошган маҳалласи ҳоким ёрдамчиси Қувондиқ Ибраимов ташаббуси билан “Яшил макон” доирасида ҳашар ташкил этилиб, “Бобур” күчаси четларига 200 туп гилос дарахт күчатлари қадалди.

Ариқлар тозаланды, дарахт, буталар оқланды. Маҳалла ахли яшил табиат ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб, аҳилликда ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этишди.